# Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – долзарб вазифадир

Унда 3-сектор ҳудудида жойлашган барча умумтаълим мактабларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари ҳамда ушбу мактабнинг 11-синф уқувчилари қатнашди. Барчамизга аёнки, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси умумий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, бунда ёшларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, она-юрт олдидаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ижобий фикрларни янада кенгайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини кўтариш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади.